

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc. 02.30.01.2020.К/Т.104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХАЖИБАЕВ ТЕМУРБЕК АТАХАНОВИЧ

***BIDENTIS TRIPARTITAE* VA *TRIBULUS TERRESTRIS*
ЎСИМЛИКЛАРИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТЛАРНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хажобаев Темурбек Атаханович

Bidentis tripartitae ва *Tribulus terrestris* ўсимликларидан курук
экстрактларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш 3

Хажобаев Темурбек Атаханович

Разработка технологий производства сухих экстрактов из *Bidentis tripartitae* и *Tribulus terrestris* 21

Hajibaev Temurbek Atahanovich

Development of producing technology of dry extracts from *Bidentis tripartitae*
and *Tribulus terrestris* 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc. 02.30.01.2020.К/Т.104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХАЖИБАЕВ ТЕМУРБЕК АТАХАНОВИЧ

***BIDENTIS TRIPARTITAE* VA *TRIBULUS TERRESTRIS*
ЎСИМЛИКЛАРИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТЛАРНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4. PhD/Т497 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Халилов Равшанжон Муратджанович техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Гусакова Светлана Дмитриевна кимё фанлари доктори, профессор Кариева Ёқут Саидкаримовна фармацевтика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc. 02.30.01.2020. К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. 262 59 13, факс (99871) 262 73 48)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ш. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н.К.Хидирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

С.Ф. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда дунёда янги биологик фаол моддалар яратиш ва уларни ишлаб чиқариш учун технологияларни ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ўсимликларнинг биологик фаол моддаларига қизиқиш бежизга эмас, чунки ўсимликдан ажратиб олинган биологик фаол моддалар синтетик дори воситаларига нисбатан бир қатор авзалликларга эга, улар организмга осон сўрилади, токсиклик ва аллергия хусусиятларга эга эмас, шунингдек организмда тўпланмайди. Шунинг учун янги биологик фаол моддаларни ишлаб чиқаришни амалиётга тадбиқ қилиш фармацевтика саноатида муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий ва фармакотоксикологик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек стандартланган дори воситаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан биридир. Шу сабабли Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Bidentis tripartitae* (иттиканак) ва *Tribulus terrestris* (темиртикан) ўсимликларини ер устки қисмларидан қуруқ экстрактлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни стандартлаш фармацевтика саноати ва тиббиёт амалиётида катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда маҳаллий ўсимликлардан субстанциялар, экстрактлар ва биологик фаол қўшимчалар олиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, юқори сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш”¹ ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари қилиб белгиланган. Бу борада, жумладан *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг флавоноидлари аллергияга қарши ва полисахаридлари иммунитетни ошириш таъсирига эга эканлиги, *Tribulus terrestris* ер устки қисмининг фуростанол сапонинлари қувватни ошириш ва мушак массасини ошириш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Фармацевтика бозорини янги турдаги дори-дармонлар билан тўлдиришда импорт ўрнини босувчи «Трибулус қуруқ экстракти»ни ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сонли «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сонли «Аллергия касалликларининг профилактикаси, ташхиси ва даволашни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Чет эл олимлари O.N. Pozharitskaya, M. Zagnat, T.V. Oproshanskaja, R.B. Sandu, J. Gudej, M. S. Yun, M. Tomczykowa, M. Wolniak, S. Wei, R. Niu, J.L. Lv, L.B. Zhang, H. B. Корожан, B.M. Косман, H.B. Исайкина, B.Ю. Андреева, Ю.Г. Афанасьева томонидан *Bidentis tripartitae* ўсимлигини фитокимёвий тадқиқотлари олиб борилган, хусусан ўсимликларни тарқалиши, оралиқ ўзгаришлар, ундаги моддаларнинг физик-кимёвий таркиби ва биологик фаоллиги ўрганилган. *Tribulus terrestris* ўсимлигини етакчи хорижий олимлар R. Lasmar, G.F. Gama, R.P. Rastogi, D. Dinchev, E. Bedir, L. P. Kang, I.A. Khan, L. Evstatieva, Xu. Yajuan, Liu Yonghong, M. Hala, J.D. Zhang, Z. Xu, T.H. Христич, Д.А. Гонцарюк, А.С. Романов, Н.Г. Усанов, М.И. Протич томонидан ўрганилиб, тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиздаги олимлар А.А. Суяров, Х.М. Хатамов, Р.К. Рахмонбердиева, Т.Ф. Ибрагимов, Х.М. Комилов, Ю.Р. Мирзаев томонидан *Bidentis tripartitae* ва *Tribulus terrestris* ўсимликларини кимёвий таркиби ҳамда фармакологик фаоллиги ўрганилган.

Аммо, ҳозирги кунда аллергия касалликларни даволаш учун *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг барча таркибий қисмларини ўз ичига олган ва кўп томонлама таъсирга эга бўлган сувли ҳамда спиртли экстрактлари ишлатилади, бу эса унинг фармакологик хусусиятларини аниқ кўрсатиб бермайди. Бундан ташқари, тозаланмаган қуруқ экстрактларнинг мураккаб таркиби етарли даражада фармакологик фаоллик бермайди ва уларни стандартлаш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги вақтгача *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг маълум моддалар гуруҳига асосланган фармакологик фаолликка эга бўлган дори воситалари мавжуд эмас. *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан олинадиган қуруқ экстрактни фурустанол сапонинлари 45% дан кам бўлмаслиги асосий омиллардан бўлиб, ушбу кўрсаткичга эришиш маҳсулотни экспорт қилиш имкониятини яратади. Ушбу натижага асосан Европа мамлакатларида, хусусан Англия, Болгария ва бошқа давлатлар эришган. Бундан ташқари мамлакатимизга олиб кирилаётган темиртикан экстракти бу талабга жавоб бермайди. Ўсиш жойига қараб *Tribulus terrestris* ер устки қисмининг кимёвий таркиби ўзгарувчан, шунинг учун бу қуруқ экстрактни олиш технологияси ҳар бир мамлакатда дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан алоҳида ўрганилган ва ошкор этилмаган. Мамлакатимизда *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан олинган фурустанол сапонинлар асосида дори воситалари ишлаб чиқариш бугунги кунга қадар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти ишлари Ўсимлик моддалари кимёси

институтининг 6-КХ-0-18571 «*Tribulus terrestris* ва *Passiflora incarnate* курук экстракти, шунингдек фармацевтика саноати учун медформин препаратини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2015); №6-FA-T007 «Аллергодаф препаратини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва клиник синовларни ўтказиш» (2016-2017) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Bidentis tripartitae* ўсимлигини флавоноид ва полисахаридлари ҳамда *Tribulus terrestris* ўсимлигини фуруостанол сапонинлари асосида курук экстрактлар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот объектларидан флавоноидлар, полисахаридлар ва фуруостанол сапонинлар йиғиндисини экстракцияси жараёнига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда экстракция жараёнини мақбул шароитларини аниқлаш;

олинган экстрактларни тозалашнинг мақбул усулларини яратиш;

Bidentis tripartitae ер устки қисмининг флавоноидлари асосида «Аллергодаф» препаратининг субстанцияси бўлган “Иттиканак курук экстракти”ни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Bidentis tripartitae ер устки қисмининг полисахаридлари асосида «Иммунокор» препаратининг субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Tribulus terrestris ер устки қисмидан камида 45% фуруостанол сапонинларни сақлаган курук экстракт ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш;

меъерий-техник ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсувчи *Bidentis tripartitae* ва *Tribulus terrestris* доривор ўсимликларининг ер устки қисмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети флавоноидлар, полисахаридлар ва фуруостанол сапонинлар йиғиндисини экстракцияси жараёнини ўрганиш ва мақбуллаштириш ҳамда тадқиқот объектларидан олинган экстрактларни тозалаш ва қуритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда курук экстрактлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш учун қаттиқ – суюқ, суюқ – суюқ турдаги экстракциялар ва турли хил қуритиш усуллари қўлланилган. Технологик босқичлардаги жараёнларни мақбуллаш учун тажрибаларни математик режалаштиришнинг Бокс-Уильсон усули ва 3Х3 режали лотин квадратлар усули қўлланилган. Биологик фаол моддаларнинг унуми, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва ишлаб чиқарилган субстанцияларни стандартлаш юпқа қатламли хроматография ҳамда спектрофотометрия усуллари ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Bidentis tripartitae ер устки қисмидан флавоноидлар ва полисахаридларни, шунингдек *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан фуруостанол сапонинларни олишда экстракция жараёнларининг мақбул

шароитлари аниқланган;

илк бор *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг биологик фаол моддалар йиғиндисидан флавоноидлар аллергияга қарши таъсир кўрсатиши ва полисахаридлар эса иммунитетни ошириш таъсирига эга эканлиги исботланган;

Tribulus terrestris ер устки қисмининг фурустанол сапонинларини ёт моддалардан эритувчиларнинг қутблигини ўзгартириб, суюқлик-суюқлик экстракция усули ёрдамида ажратиб олиш жараёнининг динамикасига боғлиқлиги исботланган;

илк бор *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан олинган полисахаридларнинг сувли экстрактини ва *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан олинган фурустанол сапонинларнинг сувли экстрактини ҳар хил қуритиш турлари асосида пуркаб қуритиш ускунасида қуритиш, *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан олинган флавоноидлари учун эса вакуум қуритиш печида қўшимча қўшиб қуритиш усуллари яратилган;

Bidentis tripartitae ер устки қисмини чуқур қайта ишлаб, “Иттиканак қуруқ экстракти” субстанциясидан аллергияга қарши «Аллергодаф» ва “Иммунокор қуруқ экстракти” субстанциясидан иммунитетни ошириш фаоллигига эга «Иммунокор» препаратлари субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган;

Tribulus terrestris ер устки қисмидан 45%дан кам бўлмаган фурустанол сапонинлар сақлаган «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган (Британия Фармакопеяси талабларига мувофиқ).

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўсимлик моддалари кимёси институтининг «GMP русумидаги Илмий-технологик марказида» «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва 30 тоннадан ортиқ *Tribulus terrestris* ер устки қисми қайта ишланган;

«Иттиканак қуруқ экстракти» субстанцияси, «Аллергодаф таблеткалари 0,4г» тайёр дори шаклини вақтинча фармакопея мақолалари (ВФМ) расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий жихозларни экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» давлат унитар корхонасига (ЎЗР ССВ «ДВТБТЖЭСДМ» ДУК) топширилган ва клиник синовларини ўтказишга рухсат олинган;

«Иммунокор қуруқ экстракти» субстанцияси, «Иммунокор таблеткалари 0,2г» тайёр дори шаклини ВФМлари расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ДВТБТЖЭСДМ» ДУКга топширилган;

«Темиртикан ўсимлиги» хом ашёси учун ВФМ 42 Уз-3282-2018 ва «Трибулус қуруқ экстракти» субстанцияси учун ВФМ 42Уз-3283-2018 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ДВТБТЖЭСДМ» ДУК томонидан тасдиқланган.

«Иттиканак қуруқ экстракти», «Иммунокор қуруқ экстракти» ва «Трибулус қуруқ экстракти» субстанцияларини ишлаб чиқариш

регламентлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Яратилган технологияларнинг ҳаққонийлиги Институтда ташкил этилган “GMP русумидаги Илмий-технологик марказ” тизимларида субстанцияларни серияли ишлаб чиқариш билан исботланган. Субстанция намуналарининг сифати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ДВТБТЖЭСДМ» ДУК нинг аккредитациядан ўтган лабораториясида текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг флавоноидлари аллергияга қарши фаолликга ва полисахаридлари иммунитетни ошириш фаолликга эга эканлиги тажрибалар асосида исботланди. Диссертация ишида олинган натижалар ва қўлланилган тадқиқот усуллари фитокимё соҳасида ўқитиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан Британия фармакопееси талабларига жавоб берадиган куруқ экстракт олинди. *Tribulus terrestris* ўсимлигини қайта ишлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида «Трибулус куруқ экстракти» субстанциясини экспорт қилиш имкониятини таъминлайди. Тиббиёт амалиётида маҳаллий хом ашё асосида янги аллергияга қарши ва иммунитетни оширувчи дори воситаларининг яратилиши амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу маълум даражада Республикамизда дори воситаларини локализация қилиш дастурларини бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимликлардан куруқ экстрактларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Bidentis tripartitae ўсимлигидан флавоноидларни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05730, 2018 й.). Натижада аллергик касалликларни даволаш учун янги дори воситасини яратиш имконини берган;

«Трибулус куруқ экстракти» субстанцияси (гувоҳнома, DV/M/02002/02/18, 20.02.2018 й.) ва «Темиртикан ўти» (гувоҳнома, DV/M/02367/12/18, 07.12.2018 й.) доривор ўсимлик хомашёси тиббиёт амалиётида фойдаланиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги «ДВТБТЖЭСДМ» ДУК томонидан рухсат олинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги «ДВТБТЖЭСДМ» ДУКнинг 2020 йил 7 февралдаги 29/04-0461-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашё асосида қувватни оширувчи дори воситасини тиббиёт амалиётига жорий этиш имконини берган;

«Трибулус куруқ экстракти» субстанциясининг серияли ишлаб чиқарилиши Ўсимлик моддалари кимёси институтининг «GMP русумидаги илмий-технологик маркази» базасида йўлга қўйилган (Фарматцевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 25-06/3389-сон маълумотномаси). Натижада «Nobel Pharmsanoat» МЧЖ чет эл корхонасида №30 қобикли таблеткалари шаклидаги 11844 та қадок «Талес энерго» дори воситасини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 1 та халқаро журналда, 1 та ихтирога патент олинган, 2 та вақтинчалик фармакопея мақолалари тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Bidentis tripartitae* L. ва *Tribulus terrestris* L., ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологиясини ўрганиш, шунингдек биологик актив моддаларни экстракция қилиш, тозалаш ва қуритиш усуллари муҳокамаси» деб номланган биринчи бобида *Bidentis tripartitae* L. ва *Tribulus terrestris* L. ўсимликлари ҳақида умумий тавсиф, экстракция усуллари, тозалаш ва қуритиш усуллари ҳақида адабиётлардаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «*Bidentis tripartitae* ўсимлигининг флавоноидлари асосида «Иттиканак қуруқ экстракти» субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида «Иттиканак қуруқ экстракти» субстанциясини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинган.

Аллергодаф – бу антигистамин ва аллергияга қарши препарат бўлиб, *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан олинади. Препаратнинг таъсир қилувчи моддалари лютеолин, бутеин ва ауронлардан иборат флавоноидлар йиғиндиси ҳисобланади. «Иттиканак қуруқ экстракти» субстанцияси таркибидаги флавоноидларнинг умумий миқдори лютеолинга нисбатан 7 % кам бўлмаслиги керак. Тажрибалар учун хом ашё оғирлигига нисбатан 1,7% флавоноидлар йиғиндиси сақлаган ўсимликдан фойдаланилган.

Биз *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан, флавоноидлар йиғиндисини ажратиш олишга таъсир этувчи эритувчи танлаш, хом ашёнинг майдалик даражаси, ҳарорат ва экстракция жараёнини давомийлиги каби омилларни тадқиқот ишларида ўрганиб чиқдик.

Bidentis tripartitae ер устки қисмидан флавоноидларни экстракция қилиш жараёни. 1-расмда келтирилган диаграммада 70% этил спирти бошқа концентрациядаги этил спиртлари билан таққослаганда, флавоноидларни экстракция қилиб олишда устунлиги кўрсатилган.

Хом ашёнинг майдалик даражаси 2 мм дан кичик бўлганда экстракция жараёни тезроқ бўлиши, аммо экстракт хира ва филтрлаш қийинлашиши, хом ашёни майдаламасдан ва майдалик даражаси 6 мм дан катта бўлса экстракция жараёни секин бориши 2-расмда натижалар келтирилган. *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиш учун хом ашёни майдалик даражаси 2-6 мм бўлган ўсимликдан фойдаланиш тавсия этилади.



1-расм. Қаттиқ-суяқ тизимдаги экстракция жараёнида этил спирти концентрациясига қараб *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг флавоноидлар йиғиндисини унуми




2-расм. *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини 70% этил спиртида экстракция қилиб олишда хом ашёни майдалик даражасининг унумга боғлиқлиги


3-расмда келтирилган натижалар шуни кўрсатдики, экстракция жараёнида ҳарорат ошганда, хом ашёдаги флавоноидлар унуми энг юқори бўлади, лекин олинган экстракт таркибида ёт моддалар унуми ҳам кескин ошади. Бу ҳолат эса тозалаш жараёнида флавоноидларни ажратиш олишни қийинлаштиради. Энг мақбули 20-30°C ҳароратда экстракция қилиш деб топилди.

Экстракция жараёнининг динамикаси. 4-расмда келтирилган натижалар асосида фазаларнинг ўзаро таъсирида зарур бўлган тиндириш вақтлари, биринчисида - 6 соат, иккинчисида - 5 соат, учинчисида - 4 соат, тўртинчисида - 3 соат, бешинчи ва олтинчи - 2 соатдан деб белгиланди. Беш марта экстракция қилинганда флавоноидларни унуми 96,4% ташкил қилди.

Экстракция жараёнини мақбуллаштириш. *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан флавоноидларни экстракциясига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш учун Бокс - Уильсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди. Бунда қуйидаги омиллар танлаб олинди: X_1 - спиртнинг концентрацияси (90, 80, 70%); X_2 - жараённинг бориш вақти (8, 6, 4 соат); X_3 - гидромодул (1:6, 1:5, 1:4); X_4 - хом ашёнинг майдалик даражаси (2, 4, 6 мм).



3-расм *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини 70% этил спиртида экстракция қилиб олишда хароратнинг унумга боғлиқлиги



I- биринчи фазалар таъсири, II - иккинчи фазалар таъсири, III – учинчи фазалар таъсири, IV – тўртинчи фазалар таъсири, V - бешинчи фазалар таъсири, VI - олтинчи фазалар таъсири

4-расм. *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан вақт оралиғида флавоноидларнинг чиқиш унуми


Тажрибаларни 2^{4-1} кўринишдаги омилларнинг $X_4 = X_1X_2$ таъсири остида олиб борилди ва қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 0,5175 + 0,1225 X_1 + 0,11625 X_2 - 0,15 X_3 + 0,17625 X_4$$

Экстрактни тозалаш. Экстрактнинг куб қолдиғини экстракцион бензин билан ишлов берилганда флавоноидлар йиғиндисини унуми энг кам миқдорда эканлиги аниқланди. Этилацетат ва хлороформ ёт моддалар билан бирга флавоноидлар йиғиндисини бир қисмини ҳам ажратиб олади. Флавоноидлар ва ёт моддаларни олиш қобилияти жиҳатидан бутанол қолган эритувчилардан устунлик қилди (5-расм). Сувли экстрактни ёт моддалардан тозалашда экстракцион бензин билан камида икки марта, флавоноидлар йиғиндисини камида беш марта бутанолга экстракция қилиш лозимлиги аниқланди (6-расм).



5-расм. Суюқ-суюқ тизимдаги экстракция жараёнида органик эритувчиларни турига қараб флавоноидлар ва ёт моддаларнинг чиқиш унуми



6-расм. Суюқ-суюқ тизимдаги экстракция жараёнидаги босқичлар сонидан ёт моддалар ва флавоноидларнинг чиқиш унуми

Экстрактни қуритиш. Олинган бутанолли қуюқ экстрактни қуритилганда вақт ўтиши билан тезда нам тортади ва қораяди. Сақлаш вақтида барқарор ва ташқи кўриниши қониқарли субстанция олиш учун қуритиш жараёнини ўрганиб чиқилди.

Олинган бутанолли экстракт $60\pm 5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда, $0,6-0,8$ кгс/см² вакуумда “ШСВ-45К” (Россия) вакуум қуритиш шкафида ва $70\pm 5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда “ИКС-2М” (Россия) инфрақизил нурли қуритгичда қуритилди. Тажирибалар шуни кўрсатдики, қўшимчаларсиз қуритиш жараёни узоқ вақт давом этади ва қуритилган массани қуритгичнинг патниси юзасидан ажратиш қийин. Бундан ташқари, ҳосил бўлган масса тезда нам тортиш хусусиятига эга. Тажириба натижалари шуни кўрсатдики, вакуум қуритиш шкафида қуритилган экстракт таркибида флавоноидлар миқдори 21%, инфрақизил нурли қуритгичдаги экстрактда эса – 18%. Бу инфрақизил нурлантириш флавоноидларни парчаланишини англатади. Шунинг учун *Bidentis tripartitae* ер устки қисмини флавоноидларини йиғиндисини вакуумли қуритиш шкафида қуритиш таклиф этилди.

Флавоноидларни қуритишда қўшимча қўшиб қуритиш жараёни тезлаштиради ва олинган қуруқ экстрактни нам тортиш хусусиятини камайтиришга имкон беради. Шунинг учун, *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан олинадиган қуруқ экстрактга қўшимча қўшиб қуритишга, яъни крахмал ёки микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) каби қўшимча моддаларни қўшиш яхши натижа берди (1-жадвал).

1-жадвал

Bidentis tripartitae ер устки қисмини флавоноидларини қуритиш учун қўшимча танлаш

Қўшимча моддага сувли экстрактнинг қуруқ қолдиғини нисбати	Қуруқ экстрактдаги флавоноидларнинг миқдори, %	Субстанциянинг майдаланиш даражаси	Элакдан ўтадиган субстанция миқдори, %
Крахмал			
1:0,5	20,22	майдаланиши қийин	40
1:1	10,75	майдаланиши қийин	56
1:1,5	7,65	майдаланиши қийин	72
1:2	5,05	куч бериб майдаланади	80
Микрокристаллик целлюлоза			
1:0,5	19,82	куч бериб майдаланади	86
1:1	10,21	майдаланиши осон	95
1:1,5	7,28	майдаланиши осон	97
1:2	4,95	майдаланиши осон	98

1-жадвалда келтирилган натижалар шуни кўрсатдики, флавоноидларни крахмал қўшиб қуритилганда олинган экстракт намуналари майдаланиши қийин ва ёпишқоқ. Бундан ташқари, бу намуналарда икки марта майдалаш жараёнидан кейин 20% элакдан ўтмай қолади. МКЦ ёрдамида ўтказилган тажирибаларда қониқарли натижалар олинди. Флавоноидларни сувли эритмасининг қуруқ қолдиғига 1:1 нисбатда МКЦ қўшиб қуритилганда олинган намуналар осон майдаланиши аниқланди ва таркибидаги флавоноидлар миқдори вақтинча фармакопоя мақоласи талабига жавоб беради.

«Иттиканак қуруқ экстракти» олиш технологиясининг тавсифи. Олинган натижалар асосида *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан «Иттиканак қуруқ экстракти» субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилди (7-расм). Аллергияга қарши фаолликга эга субстанция қуйидагича олинади: *Bidentis tripartitae* ер устки қисмини флавоноидлар йиғиндиси олти марта 70% ли этил спиртда, ҳар бир босқич оралиғи 8 соатдан хона ҳароратида (20-30°C) экстракция қилиб олинади, филтрланган экстракт 70°C ҳароратда 1/12 қисмигача қуюлтирилади, куб қолдиқга 1:1 нисбатда сув қўшиб суюлтирилади, сувли эритмани экстракцион бензин билан икки марта ишлов берилгандан сўнг флавоноидлар бутанолга беш марта экстракция қилиб олинади, бутанолли экстракт 70°C ҳароратда 1/14 қисмигача қуюлтирилади ва иссиқ қуюлтирилган бутанолли экстрактни қуруқ қолдиқига 1:1 нисбатда МКЦ қўшиб 70°C ҳароратда қуритилади ва майдалаб элакдан ўтказилади.



7-расм. «Иттиканак қуруқ экстракти» субстанциясини олишнинг блокли схемаси

«Иттиканак қуруқ экстракти» субстанцияси хом ашёни оғирлигига нисбатан 8,5% унум билан олинади. Флавоноидлар йиғиндиси унуми хом ашёда сақланишига нисбатан 85,2% ташкил қилади.

Диссертациянинг «*Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг полисахаридлари асосида «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясининг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.

Ўсимлик моддалар кимёси институти ва Иммунология институти ҳамкорлигида олиб борган тадқиқотлар натижасида *Bidentis tripartitae* ер устки қисмининг полисахаридлари асосида янги, иммунитетни оширувчи «Иммунокор» дори воситаси яратилди. «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясининг таъсир қилувчи моддаси полисахаридлар йиғиндисидир.

Биз «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан полисахаридларнинг турли хил намуналарини олдик. Ушбу намуналарни иммунитетни ошириш фаоллигини тиб.ф.д. А.А. Суяров назорати остида Иммунология институти ходимлари томонидан ўрганилган.

1-намуна. *Bidentis tripartitae* ер устки қисми 70% этил спирт билан беш марта экстракция қилиб олингандан сўнг шрот қуритилади. Кейин 60-70°C ҳароратда сув билан икки марта экстракция қилиниб, олинган экстракт қуритилди ва 250,0 г субстанция олинди. Унум хом ашё оғирлигига нисбатан 2,5% ташкил этди.

2-намуна биринчи тажрибадагидай олинди, ундан фарқи полисахаридларни экстракцияси совуқ сувда амалга оширилди. 100,0 г субстанция олинди. Унум хом ашё оғирлигига нисбатан 1% ташкил этди.

3-намуна иккинчи тажрибадагидай олинди, аммо спирт билан экстракция қилингандан сўнг шротни қуритмасдан совуқ сувда полисахаридларни экстракцияси амалга оширилди. 80,0 г субстанция олинди. Унум хом ашё оғирлигига нисбатан 0,8% ташкил этди.

4-намуна учинчи тажрибага монанд олиниб, ундан фарқли полисахаридларни экстракцияси 60-70°C ҳароратда сув билан амалга оширилди. 140,0 г субстанция олинди. Хом ашё оғирлигига нисбатан 1,4% унумни ташкил этди.

5-намуна *Bidentis tripartitae* ер устки қисмини уч марта 60-70°C ҳароратда сув билан экстракция қилинди ва олинган экстракт қуритилди. Тажриба натижасида 375,0 г субстанция олинди, хом ашё оғирлигига нисбатан 3,75% унумни ташкил этди.

Тажриба натижаларида олинган субстанция наъмуналарининг унуми ва иммунитетни ошириш фаоллиги қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

«Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини унуми ва уларни олиш усулига қараб иммунитетни ошириш фаоллиги

№ субстанция намуналари	Субстанциянинг унуми, г	Хом ашёда сақланишига нисбатан субстанциянинг чиқиш унуми, %	Субстанциянинг иммунитетни ошириш фаоллиги индекси
1	250	2,5	2,12
2	100	1,0	2,18
3	80	0,8	1,53
4	140	1,4	1,56
5	375	3,75	2,32

Ўрганилган “Иммунокор қуруқ экстракти” субстанциясини барча намуналари сичқонларда антителаларнинг шаклланиш жараёнини кучайтириб, гуморал иммунитетни стимуллайди. 2-жадвалдан кўришиб турибдики, 5-намунани унуми ва фаоллиги жиҳатидан бошқаларига нисбатан устун.

Экстракция жараёнини мақбуллаштириши. Иттиқнак ўсимлигидан полисахаридларни экстракциясига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш учун Бокс – Уильсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди. Бунда қуйидаги омиллар танлаб олинди: X_1 – экстракциянинг бориш ҳарорати (30, 50, 70 °C); X_2 – жараённинг бориш вақти (1, 2, 3 соат); X_3 – гидромодуль (1:6, 1:8, 1:10); X_4 – хом ашёнинг майдалик даражаси (2, 4, 6 мм); X_5 – экстрактор узунлигининг диаметрига нисбати.

Тажрибаларни 2^{5-2} кўринишдаги омилларнинг $X_4 = X_1X_2$ ва $X_5 = X_1X_3X_4$

таъсири остида олиб борилди ва қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 2,36875 + 0,35625 X_1 + 0,39375 X_2 + 0,38125 X_3 + 0,50625 X_4 + 0,04375 X_5$$

Келтирилган натижалардан хулоса қилиб айтганда, хом ашёни 4мм майдалик даражасида 70°C ҳароратда сув билан 3 соат давомида, гидромодуль 1:10 нисбатда экстракция қилиш энг мақбул шароитлар деб топилди.

Экстракция жараёнининг динамикаси. Тадқиқотлар натижаларига кўра *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан полисахаридларни уч марта сув билан экстракция қилиш лозим. Бунда тиндириш давомийлиги биринчи ва иккинчи экстракцияларда 3 соатдан, учинчи экстракция эса 2 соатдан кам бўлмаслиги мавсадга мувофиқ. Уч марта экстракция давомида экстрактив моддаларнинг чиқиши хом ашё оғирлигига нисбатан 3,8% унумни ташкил этади.

Экстрактни қуритиш. Қуритиш ускунасини танлашда бир қатор тажрибалар олиб борилди. Сақлаш жараёнида барқарор ва ташқи кўриниши талабларга мувофиқ келадиган субстанцияни олиш учун бир қанча қуритиш ускуналарида ўрганиб чиқдик, улардан (ШСВ-45К маркали) вакуум қуритиш шкафи, (ИКС-2М маркали) инфрақизил нурли қуритгичи ва (Anhydro No. 2 маркали) форсункали пуркаб қуритиш ускуналаридан фойдаланилди. Олинган натижаларга кўра қуритиш жараёни учун пуркаб қуритиш ускунаси энг мақбул деб хулоса қилинди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра *Bidentis tripartitae* ер устки қисмини сувли экстрактини қуритишда танлаб олинган пуркаб қуритиш ускунаси учун қуйидаги омиллар танлаб олинди: тайёрланган сувли экстрактни таркибида қуруқ моддалар миқдори 15% дан кам бўлмаслиги керак; қуруқ қуритиш воситасининг ҳарорати 180-190°C, чиқишда 85-90°C; юборилаётган сувли эритмани тезлиги - 5,5 л/ч*м³; юборилаётган сувли эритмани пуркаш форсункасига босими 0,2 МПа.

«Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини тавсифи. Олинган натижалар асосида *Bidentis tripartitae* ер устки қисмидан «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини саноат усули ишлаб чиқилиб, у қуйидагилардан иборат. Ҳавода қуритилган хом ашё майдаланиб, 60-70°C ҳароратда уч марта экстракция қилинади. Олинган экстрактлар совутилиб, филтрланади ва 1/3 қисми қолгунча қуюлтирилади ҳамда пуркаб қуритиш ускунасида қуритилади. «Иммунокор қуруқ экстракти» субстанциясини унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 12,2% ни ташкил қилади.

Диссертациянинг *«Tribulus terrestris* ер устки қисмининг **фуростанол сапонинлари асосида «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобида «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясининг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.

Tribulus terrestris ер устки қисмини фуростанол сапонинлари асосида олинган «Трибулус қуруқ экстракти» субстанцияси Британия фармакопее талабларига жавоб бериши керак, унга кўра фуростанол сапонинларга нисбатан протодоисцин (C₅₁H₈₄O₂₂, М.м. 1049,2) 45% дан кам бўлмаслиги керак.

Биз тажрибаларда фойдаланган ўсимлик таркибида фуростанол сапонинлари миқдори хом ашё массасига нисбатан 2,5% ни ташкил қилади.

Tribulus terrestris ер устки қисмини экстракция жараёни. *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан фурустанол сапонинларни экстракция қилишда қуйидаги омиллар аниқланди: эритувчи – 70% этил спирти; хом ашёни майдалик даражаси – 2-6 мм; жараённи ҳарорати – 20-30°C.

Tribulus terrestris ер устки қисмини экстракция жараёнини мақбуллаштириш. *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан фурустанол сапонинларни юқори унум билан ажратиб олиш омилларини аниқлаш мақсадида Бокс – Уильсон усулида мақбуллаштириш амалга оширилди.

Таҷрибаларнинг натижаларини статистик таҳлилидан сўнг қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинди:

$$Y = 27,95 + 5,125 X_1 + 6,7125 X_2 + 1,675 X_3 + 3,9625 X_4 + 0,3625 X_5$$

Кохрен критерийси асосида регрессия коэффицентлари бирламчи эканлиги ($G_{экс} < G_{кр} : 0,2947 < 0,6798$) аниқланди ва Фишер критерийси бўйича модел адекватлиги ($F_{экс} < F_{таб} : 1,9209 < 4,5$) исботланди.

Миқдорий жихатдан омиллар ўзининг таъсир кучи бўйича қуйидагича жойлаштирилди: спирт концентрацияси > экстракция ҳарорати > жараён вақти > хом ашё майдалик даражаси.

Экстрактни тозалаш. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан олинган куб қолдиқни ёт моддалардан тозалашда хлороформ ва дихлорметан бир хил натижа берди. Таҷрибалар давомида хлороформ фурустанол сапонинларни минимал йўқотиш билан ёғсимон моддаларни максимал миқдорда тозалаши аниқланди. Тозаланган эритмани этилацетат билан ишлов берилганда асосан кутблилиги паст ва ранг берувчи моддалардан тозалади. Бизга бундай кетма-кет этилацетат билан уч марта ишлов бериш фурустанол сапонинларни йўқотилишини камайтиришга имкон беради (3-жадвал).

3-жадвал

Tribulus terrestris ер устки қисмининг экстрактини липофил қўшимчалардан тозалашга гидрофоб экстрагентларнинг таъсири

Экстрагент	Хом ашёда сақланишига нисбатан фурустанол сапонинларнинг чиқиш унуми, %	Хом ашё массасига нисбатан ёт моддаларнинг чиқиш унуми, %
Хлороформ	3,5	3,2
Дихлорметан	3,7	3,5
Бензин	0,02	1,8
Этилацетат	17,7	5,9

Бутанол сувли эритмадан фурустанол сапонинларни ажратиб олувчи энг яхши эритувчи ҳисобланади. Бутанол билан фурустанол сапонинлар ажратиб олинганда тўртинчи босқичдан намуна олиб қуритилганда, фурустанол сапонинлар миқдори ВФМ 42 Уз-3283-2018 талабларига мос келмаслиги, аммо дастлабки тўртта босқичда олинган бутаноли экстрактлар қуритилгандан кейин фурустанол сапонинлар миқдори 46,0% кам эмаслиги аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тозаланган сувли эритмадан фурустанол сапонинларни ажратиб олиш учун бутанол билан тўрт марта экстракция қилиш тавсия этилади.

Экстрактни қуритиш. Tribulus terrestris ер устки қисмидан олинган тозаланган фурустанол сапонинларнинг сувли экстрактини “ZPG 150” (ХХР) пуркаб қуритиш ускунасида қуритилди. Пуркаб қуритиш жараёнида биологик фаол моддаларнинг сувли эритмаси бир вақтнинг ўзида сувсизлантириш ва қуритиш амалга оширилади. Иссиқ ҳаво оқимини кириш ва чиқишдаги ҳароратини танлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвалда берилган натижалар асосида, фурустанол сапонинларнинг сувли эритмасини пуркаб қуритиш ускунасида қуритилганда, иссиқ ҳаво оқимини ҳарорати киришда 165-170°C, чиқишда 85-90°C бўлиши аниқланди.

4-жадвал

«Трибулус қуруқ экстракти» субстанцияси унуми ва сифатига пуркаб қуритиш ускунасининг ҳароратини таъсири

Ҳаво оқимини ҳарорати, °C		Охириги маҳсулотнинг намлиги, %	“Трибулус қуруқ экстракти” субстанциясини чиқиш унуми, кг
киришда	чиқишда		
150	70	8,0	1,19
160	75	5,4	1,29
165	85	4,0	1,44
170	90	2,6	1,40
175	95	1,4	1,32

«Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини олишда пуркаб қуритиш ускунасига юбориладиган фурустанол сапонинларни сувли эритмаси ўзида 10% дан кам ва 15% дан кўп бўлмаган қуруқ модда сақлаши кераклиги аниқланди (5-жадвал).


5-жадвал

Пуркаб қуритиш ускунасида «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини қуритишда маҳсулот унумига ва сифатига эритма концентрациясини таъсири

Эритманинг концентрацияси, % қуруқ қолдик	Субстанциясини намлиги, %	Хом ашёда сақланишига нисбатан субстанциясининг чиқиш унуми, кг	Субстанциянинг ранги
5	6,8	1,27	Оч жигарранг
10	4,2	1,45	Оч жигарранг
15	2,5	1,44	Жигарранг
20	2,2	1,38	Тўқ жигарранг
25	1,6	1,32	Тўқ жигарранг

«Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини қуритиш жараёнини мақбуллаштириш. «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини олишда «ZPG 150» пуркаб қуритиш ускунасида қуритиш шароитларини аниқлаш учун Лотин квадратларининг 3x3 туридаги режаси асосида мақбуллаштириш амалга оширилди. «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини энг юқори унуми қуйидаги шароитларда олинди: эритмани узатиш тезлиги – 80 л/с, пуркагичнинг айланиш тезлиги – 8000 ай/дақ ва иссиқ ҳаво оқими тезлиги 2000 кг/с.

Олинган натижалар асосида *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси яратилди (8-расм).



1 – болғачали тегирмон, 2 – торози, 3 – экстрактор, 4,15,16,17 – ўлчагичлар, 5,7,8,10,12,13,18,19, 20,21,23 – йиғгичлар, 6 – теплообменник, 9 – пресс-фильтр, 11,22 – вакуум-буғлатиш ускуналари, 14 – ажратиш идиши, 24 – пуркаб куриши ускунаси.

8-расм. «Трибулус курук экстракти» субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

Ҳавода қуритилган темиртикан ер устки қисми болғали тегирмонда (1) майдаланади, тарозида (2) 50 кг тортиб олинади ва экстракторни (3) юқори тирқишидан солинади. Экстракторга (3) ўлчаш мосламаси (4) ёрдамида 215,0 л 70% этил спирти қуйилиб экстракция жараёни хона хароратида 8-10 соат давом эттирилади. Биринчи 145,0л хажмдаги спиртли экстракт прессфильтр (9) ёрдамида филтрланиб йиғилади. Сўнг экстракторга (3) 145,0 л 70% этил спирти қуйилади. Шу тариқа иккинчи экстракцияга монанд учинчи - олтинчи экстракция жараёнлари ўтказилади. 870,0 л филтрланган экстрактлар йиғиндиси олиниб, 20,0-25,0 л қисмларда буғлатувчи (11) ускунага узатилади. Қуйилтирилган экстракт 25,0 л реакторга қуйилиб (14), ўлчаш мосламаси ёрдамида (15) 25 л хлороформ қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва 30 дақиқа фазалар ажралиши учун тиндирилади. Сувли қисм ажратиб олиниб, яна икки маротаба шу эритувчи билан ювилади. Реактордаги (14) тозаланган фурустанол сапонинларнинг сувли эритмасига ўлчаш мосламасидан (16) этилацетат қуйилади. Масса 10 дақиқа давомида аралаштирилади ва 10-20 дақиқа давомида тиндирилади, сўнг этилацетат қисми ажратилади. Сўнг реакторга этилацетатни янги порцияси солиниб, жараён такрорий давом эттирилади.

Реактордаги(14) фурустанол сапонинларнинг тозаланган сувли эритмасига ўлчаш мосламасидан (17) фойдаланиб бутанол қуйилади. Масса 15 дақиқа аралаштирилиб, тўлиқ фазалар ажралгунга қадар тиндирилади. Тиндирилгандан сўнг сувли қисм ажратиб олинади, бутанолли экстракт эса

йиғич мосламасига (21) қуйилади. Бутанол билан экстракция жараёни яна уч марта бажарилади. Ажратиб олинган бутанолли экстракт 10 – 15 л дан қисмлаб буғлатгич (22) ускунасига юборилади. Жараён охирида буғлатгич мосламасига 45 л сув юборилади ва бутанол тамоман йўқолгунча буғлатилади. Натижада 15 л тозаланган фурустанол сапонинларнинг сувли эритмаси олинди, йиғич мосламасига (23) юборилади.

Фурустанол сапонинларнинг сувли экстракти пуркаб қуритиш ускунаси (24) «ZPG 150» ёрдамида, иссиқ ҳаво оқими киришда 170°C, чиқишда 90°C ҳарорат билан қуритилади. Бунда эритма узатиш тезлиги – 80 л/с, пуркаб берувчи мосламанинг айланиш тезлиги - 8000 ай/дақ ва иссиқ ҳаво оқимини тезлиги 2000 кг/с.

Қуритилган маҳсулот маҳсус йиғич мосламасида тўпланади. Қуритилгандан сўнг 1,6 кг 48% фурустанол сапонинлар сақлаган «Трибулус қуруқ экстракти» субстанцияси олинди. Субстанция унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 3,2%, хом ашёда фурустанол сапонинлар сақланишига нисбатан 61,5% унум билан чиқади.

ХУЛОСАЛАР

1. *Bidentis tripartitae* ўсимлигидан флавоноидларни 70% ли этил спиртида ва полисахаридларни сув билан экстракция қилиш усули ишлаб чиқилди, бу эса битта хом ашёдан аллергияга ва иммунитетни оширувчи дори воситаларини яратишга имкон беради.

2. Тажрибалар математик режалаштириш усули билан *Tribulus terrestris* ўсимлигидан фурустанол сапонинларни, *Bidentis tripartitae* ўсимлигидан флавоноидлар ва полисахаридларни экстракция жараёнинида 96% унум билан олишга эришилди.

3. Суюқлик-суюқлик усулида экстрактни мақбул тозалаш схемаси кейинчалик флавоноидларни МКЦ қўшиб қуритиш ишлаб чиқилди, *Bidentis tripartitae* ўсимлигини ер устки қисмидан “Иттиканак қуруқ экстракти” субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясида фойдаланишга тавсия этилди.

4. Иммунокор ва Трибулус қуруқ экстракти субстанцияларини ишлаб чиқариш мақсадида полисахарид ва фурустанол сапонинларни пуркаб қуритиш ускунасида қуритишнинг энг мақбул шароитлари тавсия этилди.

5. Олинган натижалар асосида яратилган дори воситаларнинг ишлаб чиқариш линиялари ташкил этилди ва улар асосида ишлаб чиқилган технология асосида барча меъёрий-техник ҳужжатлар талабига жавоб берадиган 5та серияда маҳсулот олинди.

6. Фурустанол сапонинларни ёт моддалардан динамикага боғлиқ ҳолда ажратиш асосида, Ўсимлик моддалари кимёси институтининг GMP русумидаги Илмий-технологик марказида Ўзбекистонда ўсадиган *Tribulus terrestris* ер устки қисмидан 45% фурустанол сапонинлар сақлаган 400 кг «Трибулус қуруқ экстракти» субстанциясини ишлаб чиқарилган ва «Nobel Pharmsanoat» МЧЖ чет эл корхонаси билан шартномага мувофиқ етказиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ХАЖИБАЕВ ТЕМУРБЕК АТАХАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ ПРОИЗВОДСТВА СУХИХ
ЭКСТРАКТОВ ИЗ *BIDENTIS TRIPARTITAE* И *TRIBULUS TERRESTRIS***

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.4. PhD/Т497

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Халилов Равшанжон Муратджанович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Гусакова Светлана Дмитриевна
доктор химических наук, профессор

Кариева Ёкут Саидкаримовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Ведущая организация:

Институт биоорганической химии

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc. 02.30.01.2020.К/Т.104.01 при Институте химии растительных веществ (адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. (99871) 262 59 13, факс (99871) 262 73 48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел. (99871) 262 59 13, факс (99871) 262 73 48).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки _____ от _____ 2020 года)

Ш.Ш. Сагдуллаев

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.К. Хидирова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.н.

С.Ф. Арипова

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора фелософии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире проводятся многочисленные научные исследования по созданию новых фитопрепаратов и разработке технологий их производства. Интерес к фитопрепаратам неслучаен, поскольку биологически активные вещества растительного происхождения имеют ряд преимуществ перед синтетическими препаратами, они легко усваиваются в организме, не имеют токсичности и аллергенности, а также не кумулируются в организме. Поэтому внедрение в практику производства новых биологически активных веществ является важным в фармацевтической промышленности.

В мире выделение биологически активных веществ из лекарственных растений, изучение их физико-химических и фармако-токсикологических свойств, а также создание и внедрение в практику стандартизованных лекарственных препаратов являются одной из актуальных проблем. В связи с этим разработка технологий производства сухих экстрактов из надземных частей *Bidentis tripartitae* и *Tribulus terrestris*, произрастающих на территории Узбекистана, и их стандартизация имеют важное научно-практическое значение в фармацевтической промышленности и медицинской практике.

В нашей республике достигнуты научные и практические результаты по получению субстанций, экстрактов и биологически активных добавок из местных растений. В Узбекистане осуществляются широкомасштабные научные исследования по разработке фитопрепаратов из местного сырья, которые дадут возможность обеспечения населения качественными и доступными препаратами. В 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи по дальнейшему развитию «фармацевтической промышленности и улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами и медицинскими изделиями»¹. В этой связи, например, выявлено, что флавоноиды надземной части *Bidentis tripartitae* обладают противоаллергической, а полисахариды иммуностимулирующей активностью, фураностаноловые сапонины надземной части *Tribulus terrestris* обладают свойством повышения тонуса и наращивания мышечной массы тела. Большое значение в пополнении фармацевтического рынка новыми видами лекарственных средств имеет производство импортозамещающего препарата на основе сухого экстракта якорцев.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2595 от 16 сентября 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности на 2016-2020 годы» и № ПП-3715 от 11 мая 2018 года «О мерах по коренному

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

совершенствованию профилактики, диагностики и лечения аллергических заболеваний», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными O.N. Pozharitskaya, Zagnat M., Oproshanskaja T.V., Sandu R.B., Gudej J., Yun M.S., Tomczykowa M., Wolniak M., Wei S., Niu R., Lv J.L., Zhang L.B., Корожан Н.В., Косман В.М., Исайкиной Н.В., Андреевой В.Ю., Афанасьевой Ю.Г. проведены фитохимические исследования надземной части *Bidentis tripartitae*, в частности, интродукция растения, изучение ареала, физико-химического состава и биологической активности содержащихся в ней веществ. Аналогичные исследования надземной части *Tribulus terrestris* проведены ведущими зарубежными учеными, такими как Lasmar R., Gama G.F., Rastogi R.P., Dinchev D., Bedir E., Kang L. P., Khan IA., Evstatieva L., Yajuan Xu, Yonghong Liu, Hala M., Noori Mitra, Zhang J.D., Xu Z., Христич Т.Н., Гонцарюк Д.А., Романовым А.С., Усановым Н.Г., Протич М.И.

Учеными нашей республики Суяровым А.А., Хатамовым Х.М., Рахмонбердиевой Р.К., Ибрагимовым Т.Ф., Комиловым Х.М., Мирзаевым Ю.Р. изучены химический состав и фармакологическая активность растений *Bidentis tripartitae* и *Tribulus terrestris*.

